



ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Б.С.Самандаров, Р.М.Шыхыев

 **moodle 3.8**

ТИЗИМИДА ИШЛАШ АСОСЛАРИ

НУКУС 2020



Moodle системасына
Excelде таярланған тест
сорауларын жайластырыу



Moodle системасынан
студентлер пайдаланыу
ушын көрсетпе



Moodle системасынан
студентлер пайдаланыу
ушын көрсетпе (1)



Moodle системасында
пәнге группаларды қосыу
хәм ведмост шығарып алыу



Moodle системасында хәр
қыйлы көринистеги тест
сораулар банкине қосыу



Test

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ

УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Б.С.САМАНДАРОВ, Р.ШЫХЫЕВ

MOODLE_{3.8}

tizimida ishlash asoslari

Ўқув қўлланма

(1-китоб)

НУКУС 2020

Б.С.Самандаров, Р.Шыхыев

MOODLE // тизимида ишлаш асослари. Ўқув қўлланма (1-китоб
/- Нукус; 2020 уй, 52 б.

Бу қўлланма таълим жараёнида ахборот технологияларининг воситаси сифатида Moodle масофавий ўқитиш тизимини қўллайдиган ўқитувчиларга ва талабаларга мўлжалланган.

Қўлланма амалиётга йўналтирилган кўринишда тайёрланган. Материал тизимлаштирилган ва тушунарли шаклда берилган, кўп сонли расмлар матнни тўлдиради ва уни ўрганишни енгиллаштиради.

Тақризчилар:

Э.Бабаджанов – Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг Ахборот хафсизлиги кафедраси мудири

Мухаррир:

Ш.Тажигаев - ҚҚДУ Амалий математика кафедраси ассистенти

Ушбу ўқув қўлланма Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Илмий-методик кенгашининг 2020-йил 30-майдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия етилган (10-сонли баённомаси)

Мундарижа

Кириш.....	4
Moodle виртуал таълим тизими	7
Moodle умумий таснифи ва асослари	10
Курслар, блоклар ва модуллар	10
Moodle тизими фойдаланувчиси билан хабар алмашиш	11
Рўйхатдан ўтиш ва курсларни созлаш.....	14
Рўйхатдан ўтиш	14
Курсни созлаш	17
Курсга аъзо бўлишни таъминлаш. Калит сўзи.....	20
Курс мавзуларини созлаш	23
Курс элементлари ва ресурслари.....	25
Курс тест саволларини қўшиш	25
Курс мавзулари бўйича ресурс қўшиш.....	35
Курсга топшириқлар жойлаштириш ва баҳолаш	44
АДАБИЁТЛАР	52

Кириш

Ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллаш таълим сифатини оширишда сезиларли даражада тасир ўтказиб, кетадиган харажатларни камайтиришда ёрдам беради. Ушбу соҳада изланишлар олиб бораётган кишилар кўпинча гуруҳ бўлиб ва якка тартибда ўқитишни қийинлаштиради. Бунга асосланиб қуйидаги ўзгачаликлар аниқланган:

- ✓ Бир академик соатда бир талабага ўртача 0.1 та савол тўғри келиши мумкин;
- ✓ Якка тартибда таълим олишда талаба 120та савол ёки жавоб бериши мумкин;
- ✓ 98% талабалар учун якка тартибда ишлаш гуруҳ бўлиб таълим олишдан 50%га юқори;

Якка тартибда ишлаш юқори даражадаги натижаларни беради, аммо бундай усул жуда қимматга тушиши мумкин, яъни ҳар бир талабага ўқитувчи бириктириб чиқиш керак бўлади. Материал ва кўрсатмалар бериш учун ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ушбу муаммони ечишда катта ёрдам беради.

Ўргатувчи тизимлар шундай яратилганки, махсус библиотекаларга йиғилган маълумотлардан хоҳлаганча (қайта-қайта) фойдаланиш, реал вақт оралиғида муҳокамалар ўтказиш мумкин (1-расм).



Расм 1. Ўргатувчи тизимлар архитетураси

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим муҳитини яратишнинг ҳолати қолмаган, чунки Web муҳитига мослашган ҳар хил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фондлар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган. Таълим муассасаларининг электрон таълимга қизиқишининг ортиши ва унинг ривожланиши кўпгина виртуал таълим тизимларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Таълим жараёни сифатини ошириш шаклларида бири ўқув жараёни мониторинги ҳисобланади. Таълимда мониторинг юритишни режалаштиришда, биз қандайдир устуворликка эришишимизни, талабанинг таълим олиш жараёнида шахс сифатида ижобий ёки салбий томонга қараб ўзгараётганлигини баҳолай олишимизни ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, таълим берувчининг таълим олувчига етарли маълумотларни ўз вақтида ва

самарали етказиб бериш назорат тизимини (моделини) шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Moodle виртуал таълим тизими

Moodle – бу ўқитувчилар томонидан онлайн-курсларни яратиш учун махсус ишлаб чиқилган сайт таркибини бошқариш тизими (Content Management System - CMS) дир. Уни кўпинча e-learning тизимларни ўқитишни бошқариш тизимлари (Learning Management Systems - LMS) ёки виртуал ўқитиш воситаси (Virtual Learning Environments - VLE) деб ҳам аташади.

Moodle – бу алоҳида онлайн-курслар каби, таълим веб-сайтларини ишлаб чиқувчи инструментлар соҳасидир. Лойиҳа асосида социал конструктивизм назарияси ва уни ўқитишни ишлатиш ётади.

Moodle автори - Martin Dougiamas. Университетни Computer Science ва Education мутахассислиги курсини тугатгандан кейин, у "The use of Open Source software to support a social constructionist epistemology of teaching and learning within Internet-based communities of reflective inquiry" мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилди. Ахборот технологияларини қўллаш орқали таълимни қўллаб – қувватлаш платформасини яратиш ғояси унда 1999 йилда Curtin University (Австралия) университетида WebCT тижорат платформаси билан ишлаш тажрибаларидан келиб чиқди. Moodle кенг тарқалган WebCT ва BlackBoard тижорат e-learning платформаларининг ўрнини босиш учун эмас, балки ўқитиш имкониятларини кенгайтириш воситаси сифатида яратилиши керак эди. Аммо, Moodle архитектураси ва бу платформага қўйилган принциплар шунчалар омадли бўлдики, уни жаҳон ҳамжамияти тан олди.

Бу бепул тарқаладиган дастурий мажмуа ўзининг функционал имкониятлари, ўрганишдаги соддалиги ва ишлатишдаги қулайлиги билан электрон ўқитиш тизимларидан фойдаланувчиларнинг кўпгина талабларини қондиради.

Moodle масофавий соҳада ўқитиш жараёнини тўла қўллаб-қувватлаш учун кенг доирадаги имкониятларни беради – ўқув материалларини турли усулларда бериш, билимларни текшириш ва ўзлаштириш назорати.

Ҳозирда Moodle тизимини дунёнинг номдор университетларида таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда.

Moodle МЎТ дунёнинг 200 давлатида 70 тилдаги 2 млн. га яқин рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар, 46 минг таълим порталларига эга ва 300 дан зиёд дастурчиларни бирлаштиради.

Moodle (<http://www.gnu.org/copyleft/gpl.html>) GPL лицензияси остида (http://www.opensource.org/docs/definition_plain.html) очик жорий коди билан дастурий таъминот каби тарқалмоқда.

Очик дастурий коди Moodle га ўзгартиришлар киритиш, яхшилаш, модификациялаш учун <http://www.moodle.org> манзил бўйича кириш мумкин.

“Moodle” сўзи – бу “Modular Object - Oriented Dynamic Learning Environment” сўзининг аббревиатурасидир.

Рус тилида “Мудл” ва “Моодус” (Модульная объектно-ориентированная динамическая управляющая среда) номлари ҳам қўлланилади.

Moodle Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware операцион тизимларида ва PHP ишлатилиши мумкин бўлган ихтиёрий бошқа тизимларда ҳам модификацияларсиз қўланилиши мумкин. Маълумотлар MySQL ва PostgreSQL маълумотлар базасида сақланади, аммо маълумотлар базасини бошқаришнинг тижорат тизимлари ҳам ишлатилиши мумкин.

Moodle осон воситалар яратиш имкониятига эга. Янги версияга ўтишда қийинчилик ва янгилашлар келиб чиқмайди.

Moodle МЎТ нинг янги версияларини <http://www.moodle.org> дан олиш мумкин.

Moodle умумий таснифи ва асослари

Курслар, блоклар ва модуллар


Moodle тизимининг асосий тушунчаларидан бири бу курс ҳисобланади. Тизимда курс таълим жараёнини ташкил қилишнинг қандайдир қуролигина бўлиб қолмайди. Балки у маълум бир соҳага қизиқувчиларнинг ўзаро мулоқот муҳитига айланади.

Тизимда курсларни ташкиллаштиришда уларни қандайдир категориялар бўйича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар ушбу фикрни ОТМ нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, курснинг юқори поғонадаги категорияларини факультет ва кафедралар ташкил этгани маъқул. Масалан олий таълим муассасасида **Экология** фани **Табиятшунослик факультетининг Экология** кафедраси профессор-ўқитувчилари олиб борадиган бўлса, тизимда ушбу курс **Табиятшунослик факультетининг Экология** катерогиясида жойлашгани маъқул. Тизимда курс ва категорияларни шакллантириш тизим администратори ёки фақатгина тизим администратори етарлича ҳақ-ҳуқуқ берган фойдаланувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Категория бу қандайдир қайсидир бир курснинг ўзидан юқори поғонадаги алоқа воситаси ҳисобланиб, фойдаланувчи(лар)нинг тизимда ҳаракатланишини таъминловчи қурол ҳисобланади.


Moodle тизими фойдаланувчиси билан хабар алмашиш

Moodle тизими ўзининг рўйхатдан ўтган фойдаланувчилари орасида ички хабарлар алмашиш имкониятига эга бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчилар (ўқитувчи ёки талаба) орасида ўзаро хабар алмашишни таъминлаб беради. Бу имкониятдан фойдаланиш учун фойдаланувчи дастлаб ўз логин пароли билан тизимга кириши зарур. Агар сизга янги хабар келган бўлса, тизимга киришингиз билан браузернинг ўнг пастки бурчагида бу ҳақда маълумот берилади.




Расм 2. Янги хабар келганлиги хақида огоҳлантириш

Бундан ташқари бизга келиб турган барча хабарларни кўриш ёки тизимдаги бошқа бир фойдаланувчилар билан хабар амашиш учун браузер ойнасининг ўнг юқори бурчагидаги фойдаланувчи исм фамилияси танланади




ва ҳосил бўлган менюдан **Сообщения** бўлими

танланади.



Ҳосил бўлган ойнада қуйидаги расмда кўрсатилган амалларни бажарамиз:



Яъни, дастлаб хабар алмашмоқчи бўлган фойдаланувчимиз исми ёки фамилиясини киритамиз (фамилия ёки исмнинг бир бўлагини киритса ҳам бўлади) ва **Поиск пользователей и сообщений** тугмасини босамиз. Ҳосил бўлган рўйхатдан зарур фойдаланувчини танлаймиз ҳамда хабар матнини **Сообщения** бўлимига киритамиз ва **Отправить сообщение** тугмасини босамиз.



Сообщение


Отправить сообщение

Расм 3. Хабар жўнатиш ойнаси

Рўйхатдан ўтиш ва курсларни сошлаш


Рўйхатдан ўтиш

Тизимга кириш учун браузер адрес сатридан **moodle.karsu.uz** веб манзили киритилади. Браузер ойнасида тахминан қуйидаги расмдаги ойна ҳосил бўлади:




Расм 4. Moodle ойнаси

Moodle тизимида ишлаш учун дастлаб рўйхатдан ўтиш лозим. Бунинг учун тизимнинг ўнг юқориги бурчагидаги **Вход (LogIn)** тугмасини босамиз (**Расм 4**), натижада тизимга кириш ойнаси ҳосил бўлади (**Расм 5**). Агар тизимда рўйхатдан ўтган бўлсангиз ўз логин паролингизни киритиш орқали тизимда иш бошлашингиз мумкин, акс ҳолда **Создать учетную запись** тугмасини босиш орқали тизимда рўйхатдан ўтишингиз мумкин.



Расм 5. Тизимга кириш ва рўйхатдан ўтиш ойнаси

Создать учетную запись тугмасини танлаганимиздан кейин куйидаги кўринишдаги ойна ҳосил бўлади:




Расм 6. Рўйхатдан ўтиш ойнаси

Рўйхатдан ўтиш жараёнида фойдаланувчилар орасида энг кўп учрайдиган англашилмовчиликлардан бири тўғри пароль танлай олмаслик муаммосидир. Moodle тизимида рўйхатдан ўтишда фойдаланувчи пароли камида 8 та символдан иборат бўлиши шарт (Тизим администратори томонидан ушбу чекловлар мураккаблаштирилиши ёки осонлаштирилиши мумкин). Бунда танланаётган паролда: камида 1та рақам, камида 1та бош ҳарф, камида 1та кичик ҳарф ва камида 1та рақам ва сон бўлмаган символ иштирок этиши лозим.

Масалан: **!qE2-dw9** ёки **Red\$4jb** ёки **ed%-4Ere** кўринишларида

Рўйхатдан ўтиш жараёни якунлангач, сиз кўрсатган электрон почтангизга рўйхатдан ўтишни тасдиқлаш учун хабар юборилганлиги маълум қилинади.




Расм 7. Рўйхатдан ўтиш жараёнининг якунланганлиги ва уни тасдиқлаш ойнаси

Почтамызга кириб берилган йўриқнома бўйича рўйхатдан ўтиш жараёнини тасдиқлаймиз, шундан кейингина тизимга киришимиз мумкин бўлади.


Курсни созлаш

Тизимга киришимиз билан бизда янгидан курс яратиш имконияти бўлмайди. Янги курс яратиш учун сизда бунга етарли ҳақ-ҳуқуқ берилмаган бўлади. Шунинг учун тизим администратори ёки бўлим администраторига мурожаат қилишимиз лозим. Тизим администратори Сиз учун курс яратиши ва сизга ушбу курсга Ўқитувчи (**Учитель-Teacher**) ролини (ҳақ-ҳуқуқини) бериши зарур.

Демак, администратор томонидан курс яратилиб унга ўқитувчи бириктирилгач, тизим ойнасининг чап томонидаги менюсидан **Мои курсы** бўлимига кирсак, биз учун ажратилган курслар рўйхати ҳосил бўлади.



Зарур курсни танлаб олиб, дастлабки ишни курсни созлаб олишдан бошлаймиз. Бунинг учун: тизимнинг чап томонида менюлар тўпламидан **НАСТРОЙКИ** бўлимида жойлашган **Редактировать настройки** меню бўлимини танлаймиз:



Натижада курсни созлаш ойнаси ҳосил бўлади.

Редактировать настройки курса

► Развернуть всё

▼ Общее

Полное название курса* ⓘ Программаластыруу тийкарлары

Краткое название курса* ⓘ programming

Категория курса ⓘ Амалий математика ва информатика ▼

Доступность ⓘ Показать ▼

Дата начала курса ⓘ 2 ▼ Сентябрь ▼ 2014 ▼

Идентификационный номер курса ⓘ

▼ Описание

Описание курса ⓘ

Rich text editor toolbar: Bold, Italic, Underline, Bulleted list, Numbered list, Link, Unlink, Image, Table, Insert link, Print.

Расм 8. Курсни созлаш ойнаси

Бу саҳифада асосий этибор қаратиш зарур бўлган элементлар қуйидагилардан иборат:

Бўлим ва майдон номи	Киритилиши лозим маълумот
Общее бўлимида	
Полное название курса	Яратилаётган курснинг тўлиқ номи
Краткое название курса	Яратилаётган курснинг қисқартирилган номи
Описание бўлимида	
Описание курса	Курс аннотацияси киритилади. Курс аннотацияси иложи бўлганча қисқа ва тушунарли берилиши керак. Бунда унинг ҳажми 70-80та сўздан ошиб кетмаслиги лозим (Бу талаб тизим интерфейсининг ноқулай кўринмаслиги учун тавсия қилиняпти).
Формат курса бўлимида	
Формат	Курс формати – Разделы по неделям ёки Разделы по темам шаклларида бири танланади.
Количество разделов	Умумий соат сонидан келиб чиқиб (ҳозирча маъруза соатлари сонидан) танланади. Масалан , фан 64 соатга мўлжалланган бўлса 32

Описание курса майдонини қуйидагича кўринишда тўлдириш тавсия қилинади:

«Webга йўналтирилган дастурлаш» фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, бакалавриятнинг 5130200-Амалий математика ва информатика таълим йўналиши учун мўлжалланган. Ушбу курсда замонавий компьютер технологиялари асосида турли архитектурали web саҳифалар, локал ёки мижоз/серверга асосланган БББТларни яратиш ўрганилади.

Қолган майдонлардаги маълумотларни тинч ҳолатидаги қийматларида

қолдириш тавсия қилинади. Хамда

Сохранить


тугмасини босиш орқали

киритилган ўзгартиришларни сақлаб оламиз.

Курсга аъзо бўлишни таъминлаш. Калит сўзи.

Курснинг асосий маълумотларини созлаб бўлгач, курсга аъзо бўлиш усуллариини созлаб олишимиз лозим. Аниқроқ қилиб айтганда талабаларнинг курсга аъзо бўлиш усуллари. Курсга аъзо бўлиш усуллари тинч ҳолатида учга ажратилади: **Зачисление вручную, Гостевой доступ, Самостоятельная запись (Студент)** (Расм 9). moodle.karsu.uz тизими учун **Самостоятельная запись (Студент)** аъзо бўлиш усулининг калит сўз орқали аъзо бўлиш усули тавсия қилинади. Яъни, ҳар бир профессор-ўқитувчи дарс олиб борадиган гуруҳ(лар)и учун калит сўз яратиб талабаларга беради ва ушбу калит сўз орқали талабаларнинг курсга мустақил аъзо бўлиши таъминланади.

Бунинг учун курснинг созламари (**НАСТРОЙКИ**) бўлимидан **Пользователи** сатрини танлаймиз ва пайдо бўлган рўйхатдан **Способы записи на курс** бўлимини танлаймиз.



Натижада қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Способы записи на курс

Название	Пользователи	Вверх/ Вниз	Редактировать
Зачисление вручную	3	↓	✕ 🔍 👤 ⚙
Гостевой доступ	0	↑ ↓	✕ 🔍
Самостоятельная запись (Студент)	0	↑	✕ 🔍 ⚙

Мустақил аъзо бўлишни созлаш

Расм 9. Курсга аъзо бўлиш усуллари

Ҳосил бўлган ойнада мустақил аъзо бўлиш (**Самостоятельная запись (Студент)**) усулини созлаб олишимиз керак. Бунинг учун юқорида расмда кўрсатилган **Самостоятельная запись (Студент)** сатри қаршисидаги ⚙ созлаш тугмасини босамиз. Натижада куйидаги ойна ҳосил бўлади:

▼ Самостоятельная запись

Название способа

Самостоятельная запись

Разрешить самостоятельную запись

Да ▼

?

Разрешить новые зачисления

Да ▼

?

Кодовое слово

gr-neft-gaz

Показать

Использовать кодовые слова для групп

Нет ▼

Да

Нет

?

Роль, назначаемая по умолчанию

Студент ▼

Расм 10. Курсга аъзо бўлишни созлаш

Ҳосил бўлган ойнада асосий этибор қаратишимиз керак бўлган майдонлар куйидагилардан иборат:

Майдон номи	Киритилиши ёки танланиши лозим маълумот
-------------	---


Название способа	Самостоятельная запись
Разрешить самостоятельную запись	Да
Разрешить новые зачисления	Да
Кодовое слово	Калит сўз кирилча, лотинча ҳарфлар ва сонлардан иборат бўлиши мумкин (масалан: mat-4d)

Қолган майдонларни тинч ҳолатидаги қийматларида қолдириш тавсия қилинади. Калит сўзни (**Кодовое слово**) киритишда стандарт пароллардан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг, сабаби калит сўз фақатгина Сизнинг талабаларингиз курсга аъзо бўлиши учунгина фойдаланилади. Курсга аъзо бўлиш соғламаларини киритиб бўлгач уни сақлашни эсдан чиқарманг.


Курс мавзуларини созлаш


Энди курсни мавзулар бўйича созлашга ўтамиз. Дастлабки ишни курс мавзуларини таҳрирлаб чиқишдан бошлаймиз. Тизимда таҳрирлаш ишларини амалга ошириш учун таҳрирлаш режимига ўтиш лозим. Ушбу режимга ўтиш

учун тугмасини босамиз. Натижада курс кўриниши қуйидагича бўлади:



Расм 11. Курсни тахрирлаш режимдаги кўриниши

Эътибор бериб қарасак ҳар бир мавзу номининг (бизнинг ҳолатда **Тема 1, Тема 2, Тема 3** ... тизим томонидан тинч ҳолатида берилган мавзу номи) пастки қисмида  тугмаси мавжуд. Ушбу тугмани танлаб мавзу номини ўзгартириб оламиз. Тинч ҳолатида мавзунини ўзгартириб бўлмайди. Ўзгартириш учун **Использовать название раздела по умолчанию** майдони байроқчасини олиб ташланг



Расм 12. Мавзуни ўзгартириш ва таҳрирлаш ойнаси

Курс элементлари ва ресурслари

Moodle тизимида курсларни яратиш бу – доимий ва танлов асосида ҳар хил ресурс ҳамда элементларни курсга қўшиб боришдан иборатдир.

Курс тест саволларини қўшиш

Курснинг **Тест** элементи ўқитувчиларга ҳар хил турдаги саволлардан иборат тестларни яратиш имконини беради: **кўп жавобли, тўғри/хато, қисқа жавоб, ҳисобланувчи, сонли жавоб** ва х.к.

Тестларни яратишда уларга бир нечта уринишлар бериш мумкин, шунингдек савол ва жавоблар ўрнини алмаштириб чиқариш имкониятлари ҳам мавжуд. Бунда ҳар бир уриниш алоҳида автоматик турда баҳоланади ва баҳолар баҳолар жадвалига ёзилиб борилади. Бундан ташқари тест топшириш вақтини чеклаб қўйиш, яъни талабалар белгиланган вақт оралиғидагина (Тестнинг бошланиш вақти: **26-04-2015 12:00** , Тестнинг якунланиш вақти **30-04-2015 12:00**)тест топшира олади ҳамда тестни топшириш учун белгиланган вақт ажратилади.

Тестларни яратишда талабанинг бераётган жавоблари бўйича унинг бераётган жавобига изоҳлар бериб боришни шакллантириш имкониятлари мавжуд.

Тестлар курс имтиҳонлари, ҳар бир мавзу бўйича ўрганилган маълумотларни баҳолаш, ўзини-ўзи баҳолаш учун қўлланилиши мумкин.


Тестлар талабалар билимини баҳолашда кенг қўлланилади. Шунинг билан бирга **Moodle**да тестларни қўлланиш кўплаган саволларни келтириб чиқаради. Шунинг учун **Moodle** тизимида янги ишлашни бошлаган фойдаланувчиларга осон бўлиши учун дастлаб тестларни яратишнинг осонроқ йўлларига тўхталиб ўтамиз.

Moodle тизимида курсларга киритилган тест саволлари саволлар банкида (**Банк вопросов**) сақланади. Аниқроқ қилиб айтганда саволлар

банки шакллантирилади. Бу ўз ўрнида тестларни яратиш жараёнини осонлаштиради ва унча катта бўлмаган саволлар тўпламидан, етарли даражада катта бўлган бир бирига ўхшамайдиган тестларни яратиш имкониятини яратиб беради.

Тест саволларини саволлар банкига киритиш учун саволларни қандайдир матнли файлдан **Aiken** форматида импорт қилиб олиш усулига тўхталиб ўтамыз.

Саволларни импорт қилиб олиш учун уни махсус шаблон асосида тайёрлаб олишимиз лозим. Тест саволларини матнли файлда **UTF-8** кодировкасида тайёрлашимиз керак (агар тест саволлари **кирил графикасида** бўлса). Бунинг учун биз **NotePAD++** программасидан фойдаланамиз. Ушбу программани <http://notepad-plus-plus.org/> сайтидан ёки <http://megasoft.uz/soft/txt/editors/6762.html> манзилидан кўчириб олишимиз мумкин.



Расм 13. NotePAD++ программаси

Программани кўчириб олиб ишга туширамыз, программа менюсининг **Кодировки** бўлимидан файл кодировкасини ўзгартириб (**Расм 13**) яратган файлимизни сақлаб оламиз.


Тест саволларини қуйидаги кўринишда яратамиз:

Программаны тесттен откериу бул...

- А. программадагы кемшиликлер болган орынларды аныклау процесси
- В. программаны хужжетлестириу процесси
- С. программаны компиляция кылыу процесси
- Д. программа интерфейслерин жаратыу процесси
- Е. программа кодын жазыу процесси

ANSWER: А

Тест саволлари ва жавобларини тайёрлашда ҳар бир савол ва жавоблар фақатгина битта сатрга ёзилиши шарт, яъни янги сатр (**Enter**) савол ёки жавоб тугагандан кейингина фойдаланилади. Тест саволини жавобларини олдиға **А,В,С,Д,Е** харфлари қўйилади. Хар бир харфдан кейин **.** (**нуқта**) белгиси қўйилиб ундан кейин битта бўш ўрин қолдирилади ва жавоб ёзилади. Тўғри жавоб жавоблардан кейин янги сатрда **ANSWER** сўзидан кейин **:** белгиси қўйилиб битта бўш ўрин (пробел) қолдирилиб **А,В,С,Д,Е** харфларидан бири ёзилади. Тестларни тайёрлаб бўлиб уни сақлаб оламиз.




**Расм 14. Курснинг
Настройки блоки**

Тест саволларини **Aiken** форматида импорт қилиб олиш учун тизимнинг чап томонида жойлашган **Настройки** блокидан **Банк вопросов** – **Импорт** амалини бажарамиз (**Расм 14**).


Ҳосил бўлган ойнадан импорт қилинадиган файл форматини (**Aiken**) танлаймиз(**Расм 15**). **Общее** бўлимида **Получить категории из файла** бандидаги байроқчани олиб ташланг(**Расм 16**). Шу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, агар тайёрлаган тест саволларингизни бошқа курсларда ҳам фойдаланмоқчи

бўлсангиз **Категория для импорта** бўлимидан категорияни ўзгартиринг.



Расм 15. Импорт қилинадиган тест саволлари файли форматини танлаш.


Импорт вопросов из файла бўлимида олдиндан тайёрланган файлимизни юклаб оламиз ва **Импорт** тугмасини босамиз.



Расм 16. Импорт қилинадиган тест саволлари файли умумий созуламалари





Агар импорт натижаси муваффақиятли бўлса, нечта савол импорт қилинганлиги хақида хабар берилади. Бу ерда эътибор беришимиз керак бўлган асосий нарса, тест саволлари тўғри импорт қилинганлигига эътибор қаратишимиз лозим.


Саволларимиз тўғри юкланган бўлса **Продолжить** тугмасини босиб келаси ойнага ўтамиз. Натижада саволлар банкига юкланган ёки яратилган тест саволлар рўйхати ҳосил бўлади.



Расм 17. Курс бўйича саволлар банкидаги тест саволларини бошқариш ойнаси

Бу ойнада янгида тизимнинг ўзида янги савол яратиш (бошловчилар учун тавсия қилмаймиз), ёки саволлар банкида мавжуд тест саволларини бошқариш мумкин.

-  **тугмаси орқали савол созламаларини ўзгартириш мумкин**
-  **савол нусхасини яратиш**
-  **саволни қўриш**
-  **саволни ўчириш**

Саволлар банкидаги саволларни мавзулар бўйича тақсимлаш осон бўлиши учун,  тугмасини босиб саволни таҳрирлаш ойнасига ўтамиз(**Расм 18**).

▼ **Общее**

Текущая категория По умолчанию для ПОЖТ (5) ☒ Использовать эту категорию

Сохранить в категории По умолчанию для ПОЖТ (5) ▼

Название вопроса* С++ стилинде комментария тууры берилген жууапты аны

Текст вопроса*

С++ стилинде коментария тууры берилген жууапты аныклан

Расм 18. Саволни тахрирлаш ойнаси

Бу ерда **Название вопроса** ва **Текст вопроса** майдонларида бир хил матн турибди. **Название вопроса** майдонидаги матнни савол курсдаги қайси мавзу материалларига оид яратилган бўлса шу мавзу номерига алмаштирамиз (масалан: **3 мавзу**). Бу ўзгартиришдан кейин саволлар банкида савол матни ўрнида фақат савол мавзуси кўринади. Агар савол матнини ҳам кўрмоқчи бўлсангиз **Отображать текст вопроса в списке вопросов** қаторига байроқчани ўрнатиш лозим.

☒ Отображать текст вопроса в списке вопросов

Параметры поиска ▼

☒ Также отображать вопросы, находящиеся в подкатегориях

☐ Также отображать старые вопросы

Создать новый вопрос...

Тип	Вопрос	Создан Имя / Фамилия	Последнее изменение Имя / Фамилия
<input type="checkbox"/> 2-мавзу	Пайдаланыушы интерфейси ...	Botirbek Samandarov	Botirbek Samandarov
<input type="checkbox"/> 2-мавзу	х озгериушиси манисин экранга шыгаруу операторын корсетин	Botirbek Samandarov	Botirbek Samandarov
<input type="checkbox"/> 3-мавзу	Программаны тесттен откериу бул...	Botirbek Samandarov	Botirbek Samandarov
<input type="checkbox"/> 3-мавзу	C++ стилинде комментария тууры берилген жууапты аныккан	Botirbek Samandarov	Botirbek Samandarov
<input type="checkbox"/> 3-мавзу	software process documentations кандай хужжетлер есапланады	Botirbek Samandarov	Botirbek Samandarov

С выбранными:

Удалить Переместить в >> По умолчанию для ПОЖТ (5) ▼

Расм 19. Курс бўйича саволлар банкидаги тест саволларини бошқариш ойнаси

Натижада савол қайси мавзуга оид эканлиги ва унинг матнини кўришимиз мумкин.

Мавзулар бўйича тест саволларини шакллантириш учун курсни танлаб таҳрирлаш режимида(**Режим редактирования**) ўтамиз ва **Добавить элемент или ресурс** тугмасини танлаймиз. **Добавить элемент или ресурс** ойнасидан **Тест** элементини танлаймиз ва **Добавить** тугмасини босамиз.

Ҳосил бўлган ойнанинг **Общее** бўлимида тестлар тўплами номи(**Название**) ва кириш(**Вступление**) берилади.

Синхронизация – бўлимида тестларни ўринлаш саналари ва вақти ўрнатилади.

Оценка – бўлимида тест топшириш учун уринишлар сонини (**Количество попыток**) танланг.

Расположение – бўлимида саволлар кетма-кетлиги ва ҳар бир саҳифада кўринадиган саволлар сони берилади.

Свойства вопроса – бўлимида саволларни тасодифий ҳосил бўлишини таъминлаш ёки аксинча ва жавоблар бўйича хулоса бериш режими (тинч ҳолатида **Отложенный отзыв**) танланади. **Отложенный отзыв** танлаш тавсия қилинади.

Настройки просмотра – бўлимида талаба тест топшириш жараёнида, уриниш якунлангач ва тест топшириш якунлангач берган жавобларига изох, тўплаган балл, жавоб бериш натижалари ва бошқа натижаларга боғлиқ якунларни кўриш имконияти бошқарилади.

Созламаларни таҳрирлаб бўлгач **Сохранить и вернуться к курсу** тугмасини босамиз ва натижада қўйидагича кўринишга эга бўламиз.




Расм 20. Тест саволлари тўплами

Бу орқали биз мавзу бўйича тест саволлари тўпламини киритиш элементига эга бўлдик. Лекин у ҳозирча бўш, яъни саволлар киритилмаган. Саволларни киритиш учун тестни танлаймиз(**Расм 20**) ва саволларни киритишни(бириктиришни) бошлаш ойнаси ҳосил бўлади().



Расм 21. Тестга саволларни киритишни бошлаш ойнаси


Ҳосил бўлган ойнадан (Расм 21) **Редактировать тест** тугмасини босамиз ва тестни таҳрирлаш режимига ўтамыз(Расм 22).



Расм 22. Тестни таҳрирлаш ойнаси.


Бу ойнада **Добавить** тугмасини танласак, юқоридаги расмда ажратилиб кўрсатилган ойна кўринади. Бу ойнада янгидан савол яратиш(**новый вопрос**), саволлар банкидан танлаш(**from question bank**) ва саволлар банкидан тасодифий савол(**случайный вопрос**) танлаш амалларини бажариш менюси мавжуд.

Тестни саволлар банкида мавжуд тест саволларидан шакллантириб оламиз. Бунинг учун ҳосил бўлган менюдан саволлар банкидан танлаш(**from question bank**) амалини бажарамиз.



Расм 23. Саволлар банкидан мавзуга тест қўшиш ойнаси

Тест саволларини созлашда савол номини мавзу рақами билан шакллантирган эдик. Шунга қараб мавзуга оид саволларни ажрата оламиз ва ушбу саволларга белги қўйиб, **Добавить выбранные вопросы в тест** тугмасини босамиз. Мавзу бўйича тестлар ҳосил бўлади.



Расм 24. Мавзу бўйича танланган тест саволлари.


Мавзу бўйича шакллантирилган тест саволларига ажратилган баллар ва максималь балл созланса(**Расм 24**), мавзу бўйича талабалар билимини баҳолаш учун тест саволлари тайёр ҳолатга келади.

Курс мавзулари бўйича ресурс қўшиш


Курсларга ўрганилаётган мавзу бўйича маълумот киритишнинг энг осон усули бу мавзуга оид маълумотларни **ресурс** (файл) сифатида қўшиш ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир мавзу бўйича курс

ўқитувчисида **маъруза (амалий иш, лаборатория иши), презентация, аудио, видео** каби материаллари электрон вариантда мавжуд деб олиб қарайдиган бўлсак, ушбу маълумотларни оддий файлларда ўқувчиларга кўчириб олиш имкониятини бериш усули.

Бунинг учун, дастлаб ҳар бир мавзу бўйича **маъруза (амалий иш, семинар иш, лаборатория иши)** материалларини алоҳида файлларда сақлаб ола оламиз. Масалан 1-мавзуга оид маъруза материални 1-m.pdf (1-amali ish.pdf, 1-lab) ва ҳ.к. Бунда, ҳар бир мавзуга оид маълумотларни тайёрлаш билан бирга ушбу маълумотга оид қисқача баён(аннотация) тайёрлаб ўтишимиз лозим.

Демак, зарур маълумотларни тайёрлаб бўлгач мавзулар бўйича ресурсларни киритишга киришамиз. Бунинг учун тизимда таҳрирлаш режимига(**Режим редактирования**) ўтиб олишимиз лозим. Бунинг учун ўзимизга тегишли курсни танлаб оламиз ва браузер ойнасининг юқори ўнг бурчагидаги  тугмасини босамиз. Натижада курс мавзулари рўйхати ҳосил бўлади.


Зарур мавзу бўйича ресурс қўшиш учун мавзу номининг қуйи қисмидаги **Добавить элемент или ресурс** тугмасини танлаймиз (**Расм 25**). Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, битта мавзу бўйича бир нечта ресурс ва элементлар киритиш ҳамда уларни таҳрирлаш мумкин.



Расм 25. Курс элементларини киритиш ва тахрирлаш ойнаси кўриниши.

Редактировать тугмаси орқали ресурснинг созуламаларини ўзгартириш (**Редактировать настройки**), жойлашган ўрнини силжитиш (**Переместить вправо** ёки **Переместить влево**), ўқувчилардан яшириш (**Скрыть**), нусхасини яратиш (**Дублировать**), ҳақ-ҳуқуқларни бошқариш (**Назначить роли**) ёки ўчириб ташлаш (**Удалить**) каби амалларни бажариш мумкин.

Демак, курсимиз учун янгидан маъруза матни, презентация, аудио, видео каби материалларни файл кўринишида киритиш учун **Добавить элемент или ресурс** тугмасини танлаймиз. Ҳосил бўлган ойнада курсга қўшиш мумкин бўлган элементлар ва ресурслар рўйхати изоҳи билан берилади (**Расм 26**).



Расм 26. Курсга қўшиш мумкин бўлган ресурс ва элементлар рўйхати

Курсга маълумотни файл кўринишида қўшиш учун рўйхатдан **Файл** танланади ва **Добавить** тугмасини босамиз. Ҳосил бўлган мавзуга ресурс қўшиш ойнасининг **Общее** бўлимида (**Расм 27**) мавзуга қўшилаётган файл ва унинг изоҳини киритишимиз шарт. Файл изоҳи у билан бирга кўриниб туришини таъминлаш учун **Отображать описание** бўлимига белги қўйиш лозим.

Добавить Файл в Электрон жадваллар. MS Excel электрон жадвал программаси ?

► Развернуть всё

▼ **Общее**

Название* Электрон жадваллар. MS Excel электрон жадвал прогрэ

Описание*



Электрон жадваллар. уларнинг форматлари, MS Excel жадвал программасида ишлаш хақида маълумотлар берилган.

Отображать описание /
вступление на странице курса

Расм 27. Мавзуга ресурс қўшиш ойнасининг Общее бўлими

Файл хақида маълумотларни киритиб **Содержимое** бўлимида (Расм 28) файлни юклаш тугмасини босамиз.

▼ **Содержимое**

Выберите файлы

Файлни юклаш учун шу тугмани танлаймиз



Максимальный размер для новых файлов: Неограничено



10-excel.pdf

Серверга юкланган файл

► Внешний вид

► Общие настройки модуля

Сохранить и вернуться к курсу


Сохранить и показать

Отмена

Расм 28. Файлни юклаш ойнасини ҳосил қилиш.


Файлни юклаш тугмасини босганимиздан кейин файлни танлаш (**Выбор файла**) ойнаси ҳосил бўлади. Файлни мавзуга юклашнинг бир нечта усуллари мавжуд: Серверга олдин юкланган файлни танлаш (**Файлы на сервере**), бир оз олдин фойдаланилган файллар (**Недавно использованные файлы**), компьютер хотирасидаги файлни юклаш

(**Загрузить файл**), Қандайдир интернет манзилдан файл юклаш (**Загрузка файлов по URL**) каби.



Расм 29. Файлни танлаш ойнаси


Компьютер хотирасида ёки бошқа сақлаш қурилмасида жойлашган файлни юклаш учун **Загрузить файл** бўлимини танлаймиз ва **Выберите файл** тугмасини босиб зарур файлни танлаб оламиз ҳамда **Загрузить этот файл** тугмасини босамиз. Натижада файл муваффақиятли юкланса **Содержимое** бўлимида юкланган файл ҳосил бўлади (**Расм 28**). Мавзу бўйича ресурс юклашни якунлаш учун **Сохранить и вернуться к курсу** тугмасини босиш орқали мавзулар рўйхатига қайтамиз.




Расм 30. Курсга элемент ёки ресурс қўшиш ойнаси

Ўқитувчи **Учитель** (Ўқитувчи) ҳуқуқи берилган фойдаланувчига курснинг барча элементларига ва ушбу курс соғламаларига барча ҳуқуқлар берилади. Курсга кириш учун дастлаб ушбу курс номи танланади.

Марказий блокда курс мазмуни асосий мазмуни ифодаловчи рўйхат ҳосил бўлади. Ён томонда эса функционал ва маълумот блоклари ҳосил бўлади.




Курсни бошқариш учун қўлланиладиган элементлар **Настройки** бўлим(блок)ида жойлашган бўлади.

Курсда ишлашни бошлаш учун дастлаб таҳрирлаш ҳолатига ўтиш лозим. Буни икки хил усулда амалга оширишимиз мумкин: **Настройки** бўлим(блок)идан **Режим редактирования** танланади ёки тизимнинг ўнг юқори бурчагидан  тугмасини танлаймиз.

Демак, курс саҳифаларига қандайдир ўзгартиришлар киритиш учун Таҳрирлаш режими (**Режим редактирования**)га ўтишимиз лозим. Таҳрирлаш режими (**Режим редактирования**) фақатгина курс ўқитувчиси (**Учитель**) ва ундан катта ҳуқуқга эга фойдаланувчилардагина мавжуд.



Тахрирлаш режимига ўтилгач




Курсга топшириқлар жойлаштириш ва баҳолаш

Ушбу йўриқнома профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, **moodle.karsu.uz** тизимида **Топшириқ(Задание)**ларни шакллантириш ва у орқали талабалар билимини баҳолаш усуллари баён қилинган.

Топшириқ(Задание) модули орқали курс тингловчисига вазифаларни бериш, ишларни йиғиб олиш ҳамда баҳолаш ва фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятини беради. Талабалар ҳар қандай рақамли контентни (файлларни) тақдим этишлари мумкин бўлади, масалан, **MC Word** матн таҳририда тайёрланган хужжатлар, электрон жадваллар (**MC Excel**), тасвирлар ёки аудио ва видео файллар. Шунингдек, муқобил ёки қўшимча равишда топшириқ талабалардан матнни тўғридан-тўғри матн таҳририда теришни талаб этиши мумкин. Топшириқ талабаларга сайтдан ташқари “реал вақт режимида” бажаришлари керак бўлган топшириқларини эслатиш учун ҳам қўлланилиши мумкин, масалан санъат асарлари, бу ерда рақамли контент талаб этилмайди. Талабалар ишни индивидуал равишда ёки гуруҳ аъзоси сифатида тақдим этишлари мумкин.

Дастлаб ўз логин ва паролимиз ёрдамида тизимга кирамиз (**Расм 31**).



Логин

samandarov

Пароль

.....

☐ Запомнить логин

Вход

[Забыли логин или пароль?](#)


В Вашем браузере должен быть разрешен прием cookies ?

Некоторые курсы, возможно, открыты для гостей


Зайти гостем

Расм 31. Аутентификация формаси

Тизимга кириб белгиланган курсга
Топшириқ(Задание) қўшиш учун зарур курсни
танлаб олиш керак. Бунинг учун
Фойдаланувчи кабинети(Личный кабинет)дан **Мои курсы** орқали ёки
Домашняя страницага ўтиб **КАТЕГОРИИ КУРСОВ (COURSE CATEGORIES)** ёки
МОИ КУРСЫ (MY COURSES)
бўлимларининг (**Расм 33**) биридан ўзимизга
зарур курсни танлаймиз.




Расм 32.
Фойдаланувчи кабинети




Расм 33. Категориялар ёки ўқитувчи курслари

Зарур курсни танлаб олганимиздан кейин курс бўйича
шакллантирилган мавзулар ва улар бўйича курс элементлари (маъруза,
тақдимот, тест ва ҳ.к.) рўйхати ҳосил бўлади (агар киритилган бўлса). Курсга
Топшириқ(Задание) элементини қўшиш учун курсни таҳрирлаш режимига
(**Режим редактирования**) ўтишимиз керак (**Расм 34**).




Расм 34. Тахрирлаш режимига ўтиш

Демак, курсимиз учун янгидан **Топширик(Задание)** киритиш учун **Добавить элемент или ресурс** тугмасини танлаймиз. Бунда топширикни аниқ бир мавзу бўйича ёки умумий курс учун киритиш мумкин. Аниқрок қилиб айтадиган бўлсак, масалан, курс (фан) учун умумий битта **оралиқ назорат** ўтказиладиган бўлсин, бу ҳолатда курс (фан) учун битта **Топширик(Задание)** киритамиз. Бунинг учун курс номидан пастда жойлашган **Добавить элемент или ресурс** тугмасини танлаймиз.



Расм 35. Курсга элемент қўшиш

Добавить элемент или ресурс тугмасини танлаганимиздан кейин ҳосил бўлган ойнада курсга қўшиш мумкин бўлган элементлар ва ресурслар рўйхати изоҳи билан берилади.



Расм 36. Курсга қўшиш мумкин бўлган ресурс ва элементлар рўйхати

Задание элементи танланиб **Добавить** тугмаси босилгандан кейин **Добавление: Задание** ойнаси ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ойнадан зарур маълумотларни киритамиз: Топшириқ номи ва баёни (тавсифи) (**Расм 37**)

ДОБАВЛЕНИЕ: ЗАДАНИЕ [?]

Общее

Название задания

Описание

Лаборатория иши

Лаборатория ишлари талабага томонидан хўшхўш бажарилади ва қўйлаштирилади.
Топшириқлар талабанинг ҳужжатдаги номлари бўлиши мумкин.

Путь: p

☒ Отображать описание / вступление на странице курса [?]

Развернуть все

Топшириқ номи

Топшириқ баёни (Описание)

Расм 37

Шунингдек, бу саҳифада асосий эътибор қаратиш лозим бўлган айрим параметрлар қуйидагилардан иборат:

Бўлим ва майдон номи	Киритилиши лозим маълумот
Доступно бўлимида	
Разрешить выполнение задания с	Талаба қайси санадан бошлаб топшириқни бажара олиши
Последний срок сдачи	Топшириқни бажаришнинг охириги муддати
Запретить отправку с	Талаба топшириқларни жўнатишига чеклов ўрнатиш (Последний срок сдачидан олдин бўлиши мумкин эмас)
Напомнить мне о завершении оценивания	Талабаларни баҳолаб бўлишнинг охириги муддати
Типы представлений ответов бўлимида	
Типы представлений ответов	<input checked="" type="checkbox"/> Ответ в виде файла танланади
Максимальное число загружаемых файлов	1 етарли, агар талаба топшириқни бир нечта файлда бажарадиган бўлса, архивлаб ташлашни талаб қилинг
Типы отзывов бўлимида	
Типы отзывов	<input checked="" type="checkbox"/> Отзыв в виде комментария танланади
	<input checked="" type="checkbox"/> Ведомость с оценками. танланади

Зарур параметрларни ўрнатиб бўлиб, **Сохранить и показать** тугмасини танласак, қуйидаги кўриниш (Расм 38) ҳосил бўлади.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Лаборатория ишлари талабалар томонидан мустақил равишда бажарилади ва жойлаштирилади.

Топшириқлар талабанинг журналдаги номери бўйича олинади.

[BOOK_Lab_HTML_Формалар.pdf](#)

РЕЗЮМЕ ОЦЕНИВАНИЯ

Участники	26
Ответы	0
Требуют оценки	0
Последний срок сдачи	Четверг, 16 апреля 2020, 00:00
Оставшееся время	13 дн. 6 час.

Просмотр всех ответов

Оценка

Расм 38. Бажарилган топшириқларни кўриш ойнасига ўтиш ойнаси

Бу ойнада **Участники** сатрида топшириқни бажариши лозим бўлган талабалар сони, **Ответы** сатрида топшириқни бажарган талаба сони, **Требуют оценки** сатрида баҳоланмаган топшириқлар (ёки, топшириқни жўнатган, лекин ўқитувчи томонидан ҳали баҳоланмаган талабалар сони) ҳамда топшириқни жўнатишнинг охириги муддати (**Последний срок сдачи**) ва қолган вақт (**Оставшееся время**) кўриниб туради.

Просмотр всех ответов тугмаси орқали бажарилган топшириқларни кўриш ойнасига (*жадвал*) ўтамыз.

Агар баҳолаш жўнатилган ва ҳали баҳоланмаган топшириқ мавжуд бўлса, жадвалнинг **Последнее изменение (ответ)**, **Ответ в виде файла**, **Комментарии к ответу** устунларида ўзгариш пайдо бўлади (**Расм 40**). Эътибор бериб қарасангиз, жадвалнинг **Редактировать** устунида ҳар бир талабага тегишли сузувчи ойна ҳосил қилувчи **Редактировать** ҳаволаси мавжуд.

Редактировать ▾

Оценка

Запретить изменять ответ

Редактировать ответ

Разрешить продление

Расм 39. сузувчи ойна

Редактировать ҳаволасини танлаб, сузувчи ойнани ҳосил қиламиз (**Расм 39**) ва танланган талаба топшириқларини баҳолаш ойнасига ўтиш учун **Оценка** ҳаволасини танлаймиз. Натижада, танланган талаба топшириқларини баҳолаш ойнаси ҳосил бўлади (**Расм 41**)

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Действия оценивания

Выберите...

Имя: Все А Б В Г Д Е Ж З И К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Э Ю Я

Фамилия: Все А Б В Г Д Е Ж З И К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Э Ю Я

1 2 3 »

Выбрать	Изображение пользователя	Имя / Фамилия	Адрес электронной почты	Статус	Оценка	Редактировать	Последнее изменение (ответ)	Ответ в виде файла	Комментарии к ответу	Последнее изменение (оценка)	Отзыв в виде комментария	Итоговая оценка
<input type="checkbox"/>		Azamat Aytmiyazov	matkarsu-455@karsu.uz	Нет ответа на задание		Редактировать	-					
<input type="checkbox"/>		Nurgul Artikbaeva	matkarsu-456@karsu.uz	Нет ответа на задание		Редактировать	-					
<input type="checkbox"/>		Nigora Askarova	matkarsu-457@karsu.uz	Нет ответа на задание		Редактировать	-					
<input type="checkbox"/>		Arapadin Bekniyazov	matkarsu-458@karsu.uz	Отправлено для оценивания		Редактировать	Четверг, 2 апреля 2020, 18:15	bekniyazov a.zip	Комментарии (0)			


Баҳолаш учун жўнатилган топшириқ

Расм 40. Бажарилган топшириқларни кўриш ойнаси (жадвали)


Бажарилган топшириқларни кўриш ойнасида туриб, файл кўринишида баҳолаш учун юборилган топшириқни баҳолаш учун кўчириб олиш мумкин.

Танланган талаба топшириқларини баҳолаш ойнасида (**Расм 41**) талаба бажарган топшириқни баҳолаш амалга оширилади. Бунинг учун Оценка майдонига баҳо киритилади ва **Сохранить** тугмаси босилади.

Курсга қайтиб, Бажарилган топшириқларни кўриш ойнаси (жадвали)га ўтсак, талабага қўйилган баҳо ва баҳоланган вақтни кўришимиз мумкин бўлади (**Расм 42**).








ARAPATDIN BEKNIYAZOV
 MATKARSU-458@KARSU.UZ
 КРАЙНИЙ СРОК СЛАЧИ: 16 АПРЕЛЯ 2020, 00:00

ОТВЕТ
 Отправлено для оценивания
 Не оценено
 13 дн. 5 час. осталось
 Студент может править свой ответ
 bekniyazov a.zip
 + Комментарии (0)

ОЦЕНКА
 ? Оценка из 5


 Текущая оценка в журнале

Отзыв в виде комментария

Абзац ▾ B I
 





Сообщить студентам ☒

Расм 41. Танланган талаба топшириқларини баҳолаш ойнаси

Arapatdin Bekniyazov	matkarsu- 458@karsu.uz	Отправлено для оценивания Оценено	4,00 / 5,00	Редактировать ▾	Четверг, 2 апреля 2020, 18:15	 bekniyazov a.zip	+ Комментарии (0)	Четверг, 2 апреля 2020, 18:47	4,00 / 5,00
-------------------------	---------------------------	--	-------------	-----------------	-------------------------------------	---	-------------------------	-------------------------------------	-------------

Расм 42. Бажарган топшириғи баҳоланган талаба

АДАБИЁТЛАР

1. A.A.Abduqodirov, A.X.Pardayev “Masofali o’qitish nazariyasi va amaliyoti”. Monografiya. – T.: “Fan”, 2009, 145 b.
2. Alex Büchner. Moodle 3 Administration. — Third Edition. — Packt Publishing, 2016. — 492 c.
3. Silvina P. Hillar. Moodle 2.5 Multimedia Cookbook. — 2-nd. ed.. — Packt Publishing, 2013. — 300 p.
4. Авксентьева Е. Ю. Инструменты электронного обучения / Е. Ю. Авксентьева, С. Ю. Авксентьев. – СПб.: Астерион, 2012. – 143 с.
5. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение: учебно-методическое пособие. — М.: ВУ, 1997.
6. Анисимов А.М. Работа в системе дистанционного обучения. Moodle. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и дополн. – Харьков, ХНАГХ, 2009. - 292 стр.
7. Ахаян А. А. Виртуальный педагогический вуз. Теория становления. — СПб.: Корифей, 2001. — 170 с.
8. Достоинства и недостатки дистанционного обучения // "Образование: путь к успеху". - Уфа., 2010.
9. Зайченко Т. П. Инвариантная организационно-дидактическая система дистанционного обучения : монография. — СПб.: Астерион, 2004. — 188 с.
10. Зайченко Т. П. Основы дистанционного обучения: теоретико-практический базис : учебное пособие. — СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2004. — 167 с.
11. Иванченко Д. А. Системный анализ дистанционного обучения : монография. — М.: Союз, 2005. — 192 с.
12. Нишанов А.Х., Анарбаева Ф.Ў., Бабамухамедова М.А. “Очиқ кодли Moodle платформасида ишлаш” (қўлланма), Тошкент ахборот технологиялари университети, “Adabiyot uchqunlari”, Тошкент, 2015, 248 бет
13. Пастущак Т.Н., Соколов С.С., Рябова А.А. Создание электронного курса. Лекция в СДО MOODLE. Учебно-методическое пособие – СПб.: СПГУВК, 2012. – 46 с.
14. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлоқов Н. Таълимда ахборот технологиялари (Олий таълим муассасалари учун) // Қўлланма (ИТД 17 - 069 «Олий таълим муассасаларининг ягона ахборот электрон тизими» лойиҳаси) Т.: 2010. 120 б.

«Miraziz Nukus» JSHJ baspaxanasında basıldı
Ózbekstan Respublikası baspa sóz hám xabar agentliginiń
2018-jıl 16-maydağı №11–3059 licenziyası.
Kólemi 3,25 baspa tabaq. Qaǵaz kólemi 60x84 1/16
Buyırtpa №94-20. Tirajı 50 nusqa

Таълимни бошқариш тизимлар шундай яратилганки,
махсус библиотекаларга йиғилган маълумотлардан
хоҳлаганча фойдаланиш, реал вақт оралиғида
муҳокамалар ўтказиш имконини беради



Самандаров Батирбек Сатимович

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўз иш фаолиятини 2002 йилда Қорақалпоқ давлат
университетида Амалий математика ва информатика
кафедрасида бошлаган.



Шыхыев Рахим Мухамметович

Кафедра ассистенти

Ўз иш фаолиятини 2006 йилда Қорақалпоқ давлат
университетида Амалий математика ва информатика
кафедрасида бошлаган.